Бу савол турини яратилишида қуйида келтирилган ойна орқали савол топшириқ кўрсатмаси киритилади Ушбу савол турини жавобларининг алоҳида созлаш параметрлари мавжуд бўлиб, талаба томонидан матн кўринишида ёки **.doc** форматида ҳужжат киритиш имкони беради. (56 – расм)




**56 – расм. Эссе – Иншо тест савол турини киритиш жараёни**

“**Перетаскивание маркеров**” – *Маркерларни йўналтириш* тест савол турида тест топшириқни талаба томонидан бажарилиши давомида махсус маркерлар орқали берилган фон тасвиридаги тўғри майдонкўрсатилади. (57 – расм)




**57 – расм. Перетаскивание маркеров – Маркерларни йўналтириш савол тури**

- Бунинг учун савол тури танланади ва савол матни киритилиб:
- **Тасвир (GIF) .gif**
- **Тасвир (JPEG) .jpe .jpeg .jpg**
- **Тасвир (PNG) .png**
- **Тасвир (SVG+XML) .svg .svgz** кўрсатилган барча турдаги форматлар махсус маркерлар ёрдамида тасвирдаги махсус нуқта аниқланади. (58 – расм)




**58 – расм. Перетаскивание маркеров – Маркерларни йўналтириш саволини созлаш**

“**Вычисляемый**” – *Ҳисоб китобли* савол турида барча ҳисобланган саволлар “**Числовой ответ**” – *Рақамли жавоб* савол турига ўхшаш жиҳати мавжуд бўлиб, фақатгина тест топшириш мобайнида тармоқдан тасодифий рақамлардан фойдаланади. (59 – расм)




**59 – расм. Вычисляемый – Ҳисоб китобли савол тури**

Юқорида ўхшаш жиҳатлари таъкидланганидек, қуйида келтирилган майдонга зарур жавоблар киритилиб, бунда жавоб формуласи, аниқлик ҳисоби, жавоб қандай форматда тақдим қилиниши жойланади: белги ёки рақам асосида. (60 – расм)




**60 – расм. Вычисляемый – Ҳисоб китобли савол турини созлаш**

“Перетаскивание в текст” – Матн киритиш тест савол тури бўлиб, бўш қолган ўринларни таркибидаги сўзлар банки ёрдамида тўлдирилади. (61 – расм)




**61 – расм. Перетаскивание в текст – Матнни киритиш савол тури**

Бунда савол тури танлангандан сўнг, қуйида кўрсатилган махсус ойна очилади ҳамда саволни матни киритилади. Матн киритилишида шуни унутмаслик керакки, тўғри жавоб махфий код **[[1]]** кўринишида жавоб вариант созланади. Жавоб вариантлари қуйи поғона қисмидаги қатор майдонларга киритилади. (62 – расм)




**62 – расм. Перетаскивание в текст – Матнни киритиш саволини созлаш**

“**Вложенные ответы**” (**Cloze**) - Бириктирилган савол турида бир нечта савол тури шаклларидан: (***кўп танловли тест, рақамли жавоб шакли ҳамда қисқа жавоб)*** таркиб топган. (63 – расм)




**63 - расм. Вложенные ответы – Бириктирилган савол тури**

Бунда албатта махсус кодлар орқали савол матни орасида тўғри жавоблар ҳамда вариантларни турли хил махсус код ва рақамлар, муайян сўзлар ҳам (**[[1]], {SA:, NUM:, MCH:1~2~3~=}**) асосида тақдим қилинади. Муайян сўзлар ҳам мазкур кодлар ёрдамида савол матнига жойлаштирилади. (64 – расм)




**64 – расм. Вложенные ответы (Close) Бириктирилган савол турини созлаш**

**http://Масофавий таълим** платформасининг курс ўқитувчиси учун қулайликлардан яна бири тўғрисида тўхталганда, платформанинг чап томонидаги асосий категорияларидан бу **Баҳолаш** параметри бўлиб курс тингловчисини ўқув порталдаги яратилган курсни ўзлаштирганлик кўрсаткичларини назорат қилиш, ҳар бир топшириқга курс тингловчиси томонидан қай даражада вазифаларни бажарганлигини назорат қилиш ва уларни баҳолаш мезонлари асосида талабанинг билим даражасини аниқлаш мақсадида мазкур параметрда намоён бўлади. (65 - расм)




**65- расм. “Оценки” - Баҳолаш категорияси**

Ушбу ойнада Баҳолаш категорияси орқали курс иштирокчиларининг йиғилиб борилаётган бахолари тўғрисида умумий маълумотга эга бўлиб мазкур категория бир қанча асосий параметрлардан ташкил топган:

- **Просмотр** (*Кўриш*)
- **Настройки** (*Созлаш*)
- **Шкала** (*Баҳолаш мезони*)
- **Экспорт** (*Экспорт*)
- **Просмотр** (Кўриш) параметрида
- **Отчет по оценкам** (*Баҳолаш бўйича ҳисобот*)
- **История оценок** (*Баҳолаш тарихи*)
- **Отчет по показателям** (*Кўрсаткичлар бўйича ҳисобот*)
- **Обзорный отчет** (*Ҳисобот шарҳи*)
- **Одиночный вид** (*Талабани якка ҳолда кўриш*)
- **Отчет по пользователю** (*Фойдаланувчилар бўйича ҳисобот*)

Блоклари орқали курсда иштирок этаётган барча талабалар тўғрисида умумий маълумот: унинг қайси Университет ёки институтдан эканлиги, курс учун якуний балл, ҳар бир тест ва топшириқ бажарилганлигига қўйилган балл, барча курс тингловчиларнинг йиғиб борган баллари тўғрисида умумий ҳисобот каби пунктларни қамраб олган. (66 - расм)




**66 - расм. Просмотр (Кўриш) ойнаси**

**Настройки** (Созлаш) ойнасида:

- **Настройка журнала оценок** (*Баҳолаш журналини созлаш*)
- **Настройки оценок курса** (*Курс баллини созлаш*)
- **Настройки: Отчет по оценкам** (*Баҳолаш бўйича ҳисобот*)

Пунктларидан иборат бўлиб курс бўйича жами йиғиб борилган баҳолар коэффиценти, максимал баҳо, ҳаракат, баҳолаш бўйича пунктларни созлаш ва курс тингловчиларининг ҳисоботи каби параметрларни ўз ичига олган. (67- расм)




**66 - расм. Настройки (Созлаш) интерфейси**

**Шкала** (Баҳолаш мезони) пунктида

- **Пользовательская шкала** (*Фойдаланувчи баҳолаш мезони*)
- **Стандартные шкалы** (*Стандарт баҳолаш мезони*) бўлиб бунда курс тингловчилари ўртасида қўлланилган ахборот маълумотларни узвий боғлиқлик алоқалари мавжуд бўлган ўқув материалларни баҳолаш мезони ҳамда ўқув платформанинг ўзида мавжуд стандарт баҳолаш мезони билан қамраб олиниши ҳисобланади. (68 - расм)




**68 - расм. Шкала (Баҳолаш мезони) пункти ойнаси**

Экспорт (Экспорт) пунктида эса ўқув курс учун яратилган барча турдаги вазифа топшириқлар натижалари тўғрисидаги барча умумий маълумотни курс ўқитувчиси томонида компьютер ахборот базасига **.xlsx** форматида экспорт қилиш имкониятини тақдим қилади. (69- расм)




**69 - расм. Экспорт (Eksport) пункти ойнаси**

**MOODLE LMS** тизимида мустақил ўқиш учун аввало биринчи галда тизимда рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Рўйхатдан ўтиш 2 хил шаклда амалга оширилади. Булар:

- *Мустақил равишда рўйхатдан ўтиш;*
- *Администратор ёрдамида рўйхатдан ўтиш;*

Шу мақсадда, 2 – шакл яъни Администратор ёрдамида рўйхатдан ўтиш жараёнларини кўриб чиқамиз. Бунинг учун биздан http://mt.edu.uz/ таълим ахборот тизими ойнасини очамиз ҳамда қуйидаги ойнада кўрсатилганидек, “**Администрирование**” – *Тизим бошқаруви* панели орқали амалга оширилади. (70 – расм)




**70-расм. “Администрирование” – Тизим бошқаруви панели**

**Администрирование** панелидан биз фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш уларни ўқув курсда мустақил таълим олиш имкониятини тақдим этиш мақсадида “**Пользователи”** – *Фойдаланувчилар* элементидан “**Добавить пользователя**” – *Фойдалувчиларни қўшиш* тугмаси босилиб рўйхатдан ўтказиш иши амалга оширилади. Қуйидаги келтирилган ойнада айнан Тизим бошқарувининг фойдаланувчиларни қўшиш имкониятини кўришингиз мумкин бўлади (71- расм)




**71 – расм. Панелдаги Пользователи - Фойдаланувчилар элементи**

“**Добавить пользователя**” – *Фойдаланувчини қўшиш* тугмаси босилиб, қуйидаги ойнага ўтилади ва фойдаланувчи ҳақида зарур маълумотлар киритилади:

- **Логин** - *Логин*
- **Выберите метод аутентификации** – *Аутентификация методини танламоқ*
- **Новый пароль** – *Янги пароль*
- **Имя** – *Исм*
- **Фамилия** – *Фамиля*
- **Адрес электронной почты** – *Электрон почта манзили*
- **Показывать адрес электронной почты** – *Электрон почта манзилини кўрсатмоқ.*

Жараён сўнггида эса “**Создать пользователя**” – *Фойдаланувчини яратмоқ* тугмаси босилиб созлаш иши якунланади. (72- расм)




**72 – расм. Добавить пользователя – Фойдалувчи қўшишни созлаш**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 мартдаги 233-сонли буйруғига 3-илова

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАРКАЗИ

# ТАЛАБАЛАРНИНГ МАСОФАВИЙ КУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

*(Талабалар учун)*

Тошкент -2020